

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.1.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХИДИРОВА МАРҒУБА РУСТАМОВНА

**САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

УДК: 338:24(575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences

Хидирова Марғуба Рустамовна

Саноат ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув самарадорлигини
ошириш..... 3

Хидирова Марғуба Рустамовна

Повышение эффективности корпоративного управления в
промышленном производстве..... 27

Khidirova Marguba Rustamovna

Improving the effectiveness of corporate governance in industrial
production..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.1.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХИДИРОВА МАРҒУБА РУСТАМОВНА

**САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.13 – Менежмент
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Мақ­ка­маси ҳузуридаги Олий ат­те­ста­ция комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt1942 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Нури­м­бе­тов Равшан Ибра­гим­ович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Хан­ке­лдиева Гузал Шеро­вна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Умаров Илҳомжон Юлдашевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.30.12.2020.1.16.02 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «19» 06 кунини соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси 49-уй. Тел: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: tdu@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс мар­ка­зи­да тан­ни­шиш мум­кин (1147 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75; e-mail: tdu@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «16» 06 кунини тарқатилди.
(2022 йил «16» 06 даги 15 -рақамли реестр баенномаси).



М.П. Эшов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М. Мавлянова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

Ш.Д.Ж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув асосларини ривожлантириш масаласи «1998 йилда Россия, Осиё ва Бразилияда содир бўлган инқироз»дан сўнг халқаро ҳамжамият диққат марказида бўлди. Бугунга келиб, йирик саноат марказларида замонавий корпоратив бошқарувнинг статик ёки умумий тузилмаси мавжуд эмаслиги, ўз навбатида адолат, ишлаб чиқариш фаолиятида шаффофлик, ҳисобдорлик ва жавобгарликни тарғиб қиладиган ишончли тартиб-қоидалар доирасида тажриба ва хилма-хилликни рағбатлантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Мазкур ислохотларнинг узоқ муддатли истиқболини ривожлантириш борасида «2020 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД), Жаҳон банки ва халқаро инвесторлар томонидан 1 триллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция капиталининг ҳаракат йўналиши аниқлаб олинди»¹. Бугунга келиб йирик саноат марказларида замонавий корпоратив бошқарувнинг статик ёки умумий тузилмасининг мавжуд эмаслиги, ўз навбатида адолат, ишлаб чиқариш фаолиятида шаффофлик, ҳисобдорлик ва жавобгарликни тарғиб қиладиган ишончли тартиб-қоидалар доирасида тажриба ва хилма-хилликни рағбатлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши шароитида саноат ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарувнинг илмий-амалий асосларини ривожлантириш самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш, персонал меҳнатидан самарали фойдаланиш, рақобатбардош ва юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, шунингдек, замонавий корпоратив бошқарув тамойилларидан фойдаланиш, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг бошқарув тузилмасини самарали ташкил қилиш, корпоратив ишлаб чиқаришда рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда корхона ва компанияларнинг узоқ муддатли самарали фаолият юритиши ҳамда фойданинг ошишини таъминлаш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш талаб этилмоқда.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида уларда бошқарув жараёнларини такомиллаштириш, тармоқ корхоналарини таркибан ўзгартириш ва уларда ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификация қилиш, тармоқда қўшилган қиймат занжирини тўлақонли шакллантириш орқали корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, шу орқали бандликни таъминлаш, аҳолининг даромадлари ҳамда турмуш сифатини оширишга

¹ https://www.oecd-ilibrary.org/industry-and-services/corporate-governance-improving-competitiveness-and-access-to-capital-in-global-markets_9789264162709-en.

катта эътибор берилмоқда. «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармон бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодийнинг динамик ва рақобатбардош ривожланиши, ҳам ички, ҳам ташқи инвестицияларни кенг жалб этиш борасидаги муҳим йўналишлардан бири бўлишига қарамай, sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис sanoat корхоналарида акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш тармоғига киритиладиган инвестициялар ҳажми ортишини таъминлаш, рақобатбардош, юқори қўшимча қийматли ва сифатли sanoat маҳсулотларини яратиш sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Sanoat тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4765-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодийни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Хорижий давлатлар олимлари М.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури, И.Ансофф² томонидан корпоратив бошқарувнинг назарий асослари, иқтисодий моҳияти ва илмий жиҳатлари ўрганилган.

² Месков М. и другие Основы менеджмента. – М.: Дело, 2007. Ансофф И. Стратегическое управление. – СПб.: Питер, 1990, с 127.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарувнинг илмий-назарий асослари ва уларни ривожлантириш масалалари В.Винокуров, С.Мельников, А.Стриган, М.Крук, И.Мазур, И.Храборова, С.Карнаухов³ ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан Б.Беркинов, Ш.Зайнутдинов, Д.Рахимова, А.Хашимов, Н.Расулов, Х.Раҳманқулов, М.Хамидулин, М.Маҳкамова, Б.Ходиев, Д.Суёнов, Н.Йўлдошев, Р.Нуриμβетов, Г.Ханкелдиева, И.Умаров⁴ ва бошқаларнинг тадқиқотларида sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув муаммолари тадқиқ қилинган.

Юқоридаги олимларнинг мазкур соҳа ривожланишига қўшган хиссаларини эътироф этган ҳолда таъкидлаш лозимки, sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув усулини жорий этиш масаласи етарли даражада чуқур тадқиқ этилмаган. Хусусан, рақамли иқтисодий шароитида sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарувнинг мазмун-моҳияти, унинг самарадорлигини оширишнинг илмий ва амалий масалалари етарлича ўрганилмаган. Шу боис корпоратив муносабатларни шакллантириш ва уни самарали бошқаришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятига эга бўлиб, улар ушбу тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва янгилекларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928153-сонли «Корхоналарнинг инновацион ривожланиш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари» лойиҳаси доирасида бажарилган.

³ Винокуров В.А. Организация строительского управления на предприятиях. – М., 1996, с 174. Мельников С. Корпоратизм – Российский путь реформ. – М., 1996; Организационное взаимодействие в управлении. Крук М.Д. Современный форма в механизма корпоративного управления: методология и практика. – М., 2000, с 357. Мазур И.И. и др. Корпоративный менеджмент. – М.: Омега, 2011, 781 с. Храборова И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М., 2000, 64 стр.; Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур. // Риск – Москва, 2004. № 1-2, 4 с.

⁴ Беркинов Б.Б. Корпоративный структуры: основы создания и управление. Издательство национальной библиотеки ИМ Алишера Навои. Т.: 2005, с. 147. Зайнутдинов Ш.Н, Рахимова Д. Корпоратив бошқарув асослари. Т.: Академия, 2006, 965 б.; Хашимов А.А. Корпорация шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиши. Т.: Молия, 2003.; Суёнов Д.Х. Бизнес муҳитининг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмининг жорий этиши такомиллаштириши. Т.: Академия 2008.; Фуломов С.С., Раҳмонқулов Х. Корпоративное право. Т.: ТТЮИ, 2004. 703 с.; Хамидулин М.Б. Финансовый механизм корпоративного управления. Т.: Молия, 2008. 204 с.; Расулов Н. Корпоратив бошқарув-инвестицияларнинг кафолати. Т.: ТДИУ 485 б.; Маҳкамова М.А. Корпоратив бошқарувнинг назария ва замонавий амалиёт, Т.: Фан ва технологиялар. 2019, 404.; Ходиев Б.Ю. Корпоратив бошқарув. Т. ТДИУ, 2010.; Йўлдошев Н.К. Менеджмент. Ўқув қўлланма «Фан» нашриёти, 2002 й.; Нуриμβетов Р. Корпоратив бошқарув. Т.ТАҚИ, 2012 й., Ханкелдиева Г. Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11(24). С. 357-363. Умаров И.Ю. Ўзбекистон республикаси озиқ-овқат sanoatида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Т. ТДИУ, 2020.

Тадқиқотнинг мақсади sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корпоратив ишлаб чиқариш бошқарувининг илмий-услубий асосларини ўрганиш ва уни аниқлаштириш;

корпоратив бошқарувнинг илмий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

корпоратив ишлаб чиқаришни жорий этиш механизмларини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш;

sanoat корхоналарида технологик ва модернизациялаш жараёни самарадорлигини баҳолаш;

sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» акциядорлик жамиятининг корпоратив бошқарув фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш жараёнидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракция, математик-статистика, иқтисодий, молиявий, миқдорий, таркибий таҳлил ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

давлат иштирокидаги корхоналар ижро органи аъзоларини рағбатлантириш мақсадида ижро органи аъзоларига қўшимча тўлов турлари бекор қилинган ҳолда ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловларини тўлаш таклиф этилган;

корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда давлат иштирокидаги sanoat корхоналарида кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзолар сонини 30 фоздан кам бўлмаслигини таъминлаш таклиф этилган;

акциядорлик жамиятларида кузатув кенгаши ишининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида кенгаш хузурида «аудит қўмитаси», «таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси», «мукофотлаш қўмитаси»ни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

sanoat корхоналари фаолиятини махсус мезонлар асосида баҳолаш, ижро органлари аъзоларини рағбатлантириш ҳамда қўмиталар ташкил этишнинг sanoat ишлаб чиқаришига таъсирининг 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

корпоратив бошқарувнинг назорат ва ҳисобдорлик жараёнлари янада самарали ишлашини таъминлаш, молиявий рағбатлантиришни кафолатлаш ҳамда инвестицион фаолиятини ривожлантиришда «Ўзавтосаноат» АЖ нинг

кузатув кенгаши ваколат муддатини бир йилдан камида уч йилгача узайтириш таклиф этилган;

миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарувнинг илмий-амалий асосларини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг услубий асослари ишлаб чиқилган;

sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарувнинг илмий-амалий асосларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган;

корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда замонавий менежмент усуллари ва тамойилларидан самарали фойдаланиш услуби ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқаришда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таъсирини баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда махсулот сотишдан тушган тушум ва махсулот таннархининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлиги соҳага оид илғор хориж тажрибасини умумлаштириш, sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарувнинг илмий-амалий асосларини ривожлантириш самарадорлиги борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосланганлиги ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий услубий таклиф ва тавсиялар, sanoat ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарувни жорий этиш ва унинг самарадорлигини оширишга оид илмий аппаратни бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республиканинг йирик акциядорлик жамиятларида корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, корпоратив кодекс тамойилларини жорий этиш, корпоратив ишлаб чиқишни бошқариш механизмини такомиллаштиришга оид комплекс чоратadbирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртларида «Корпоратив менежмент» ва «Корпоратив бошқарув» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат иштирокидаги корхоналар ижро органи аъзоларини рағбатлантириш мақсадида ижро органи аъзоларига қўшимча тўлов турлари бекор қилинган ҳолда ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловларини тўлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида»ги фармонида ўз аксини топган («Ўзавтосаноат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 30 сентябрдаги 15/06-25-1797-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида саноат корхоналарида корпоратив бошқарув самарадорлиги 6,4 фоизгача ошиши таъминланган;

корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда давлат иштирокидаги саноат корхоналарида кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзолар сонини 30 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон «2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан ўз аксини топган («Ўзавтосаноат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 30 сентябрдаги 15/06-25-1797-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзолар сонини 30 фоиз бўлиши таъминланган;

акциядорлик жамиятларида кузатув кенгаши иши самарадорлигини таъминлаш мақсадида кенгаш ҳузурида «аудит қўмитаси», «таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси», «мукофотлаш қўмитаси»ни ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон «2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига киритилган («Ўзавтосаноат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 30 сентябрдаги 15/06-25-1797-сонли маълумотномаси). Натижада акциядорлик жамияти корпоратив ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ижобий томонга ўсиш суръатларини 6,7 фоизга ошириш имкониятини яратган;

саноат корхоналари фаолиятини махсус мезонлар асосида баҳолаш, ижро органлари аъзоларини рағбатлантириш ҳамда қўмиталар ташкил этишнинг саноат ишлаб чиқаришига таъсирининг 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига жорий этилган («Ўзавтосаноат»

акциядорлик жамиятининг 2021 йил 30 сентябрдаги 15/06-25-1797-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида акциядорлик жамиятларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2025 йилда 12,8 фоизга ошиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг умумий ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Шунингдек, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Саноат ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари» деб номланган биринчи бобида корпоратив бошқарув тушунчасининг илмий-услубий асослари ва моҳияти ёритиб берилган. Корпоратив бошқарувнинг илмий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, Ўзбекистон саноатида корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиши ва ривожланиши таҳлил қилинган.

Корпоратив бошқарув ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда икки йўналишга бўлиниши мумкин:

1. Корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш.
2. Корпоратив хизмат кўрсатишни бошқариш.

Шунга асосланган ҳолда муаллиф илмий тадқиқотини корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш йўналиши билан боғлаган.

«Корпоратив ишлаб чиқариш» тушунчаси бошқа корпоратив тушунчаларга нисбатан мураккаброқ бўлиб, у фақат корпоратив усулни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан ифодаланади.

«Корпоратив усул» – бошқариш ва бошқа жараёнларни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш, инновацияларни жорий этиш учун

замонавий бошқариш тизимини ривожлантириш ҳисобланади. Корпоратив бошқарувни услубий нуқтаи назардан ривожлантиришнинг асосларидан бири, унинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ (1-жадвал).

1-жадвал

Корпоратив бошқарув илмий концепциясининг асослари⁵

Самарадорлик жиҳатлари	Самарадорлик натижалари
Ички ва ташқи муҳитлар билан ўзаро алоқадорлиги	Корпоратив бошқарув фаолиятининг ички ва ташқи муҳитда тан олинishi
Корхона мақсадлари тузилма ва эҳтиёжларини эътиборга олувчи муносабатлар даражаси ривожланганлиги	Корхона бўлиналари муаммоларининг корхона томонидан эътиборга олинishi ва ҳал этилиши
Ишлаб чиқариш жараёнларига янги техника ва технология, инновациялар жорий этилиши	Корхонада инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш
Корхонада ташкилий муносабатлар ривожланишини таъминлаш.	Корхонада ижтимоий муносабатлар даражаси ошади.
Ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солувчи турли қоида, меъёр ва ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги	Ишлаб чиқариш жараёнига ҳуқуқий ҳужжатларни жорий қилиш, уларга амал қилиш самараси кучаяди
Корхоналарда ишлаб чиқариш ва бошқариш маданиятини ошириш	Ишлаб чиқариш ва бошқарувдаги ўзгаришларга персонал мослашуви
Корхона персоналани ишлаб чиқариш жараёнида зарур омил сифатида тан олиш	Корхонада персонал мотивациясининг кучайishi
Корхонада ишлаб чиқариш ходимларининг дифференциялашган эҳтиёжларидан келиб чиқиб бошқарувни такомиллаштириш.	Корхонада функционал, яъни барча органларнинг ягона организм манфаати йўлида ишлаши

Корпоратив бошқарув илмий концепциясида кўрсатилган жиҳат ва шартларнинг корпоратив ишлаб чиқаришда қўлланилиши ва амалиётда фойдаланиши пировард натижада самарадорликни оширади, корхонадаги барча бошқарув тузилмалари фаолиятини яхшилайдди.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, саноатда корпоратив бошқарувга асосланган бошқарув механизмининг жорий этишнинг асосий мақсади барча манфаатдор томонлар мувозанатини эътиборга олган ҳолда корхоналарда юқори фойда олишни таъминлашдан иборат. Саноат корхоналарида корпоратив бошқарувни жорий этиш мақсадида корхона ижроия органи раислари, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари масъулиятини ошириш керак.

Шунингдек саноат корхоналарида корпоратив бошқарувни жорий этишда биринчи навбатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, низомлар, кўрсатмалар ва энг асосийси Корпоратив кодексга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд йирик саноат корхоналарининг деярли барчасини акциядорлик жамиятлари ташкил этади. Шунинг учун корпоратив бошқарувни жорий этишда барча ҳаракатлар акциядорлар фаолияти билан боғланиши шарт. Чунки акциядорлар ҳуқуқини ҳимоялаш,

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
12


уларнинг манфаатларини қадрлаш корхона ривожланишининг асосий вазифаларидан бирига айланмоқда.

Бундай ишларни самарали амалга оширишнинг асосий жиҳатларидан бири янги бошқарув усулларини саноат ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиш ва уларни такомиллаштиришдан иборат. Шу сабабли, корпоратив бошқарув усулини жорий этишдан аввал унинг илмий тамойил ва хусусиятларини чуқур ўрганиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Тадқиқотда таъкидланишича, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти(ИХТТ)нинг 2015 йилда қабул қилинган «Корпоратив бошқарув тамойиллари» корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартлари соҳасидаги асосий ҳужжат ҳисобланади. ИХТТ томонидан қабул қилинган корпоратив бошқарув тамойиллари қуйидаги олти соҳани ўз ичига олади:

1. Самарали корпоратив бошқарув тизими учун асосни таъминлаш.
2. Акциядорларнинг ҳуқуқлари, улар билан тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш ҳамда мулкчиликнинг асосий функциялари.
3. Институционал инвесторлар, фонд бозорлари ва бошқа воситачилар.
4. Манфаатдор шахсларнинг корпоратив бошқарувдаги роли.
5. Ахборот ошқоралиги ва шаффофлиги.
6. Кенгашининг мажбуриятлари.

Юқоридаги корпоратив бошқарувнинг илмий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда корпоратив бошқарувнинг илмий тамойиллари алгоритми таклиф этилди (1-расм).



1-расм. Корпоратив бошқарувнинг илмий тамойиллари⁶

Корпоратив бошқарув тамойиллари ва хусусиятлари миллий иқтисодий адабиётларда кенг ўрганилган. Аммо уларда, масалан, Ўзбекистон шароитида қандай тамойил ва хусусиятларга эътибор бериш зарурлиги тўғрисида фикрлар жуда кам ифодаланган. Шу жиҳатдан тадқиқотда корпоратив бошқарув тамойиллари ва хусусиятларига ўзгача ёндашилди. Мамлакатимиз

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

олимлари томонидан ўрганилган корпоратив бошқарув тамойил ва хусусиятларнинг қиёсий таҳлил қилинди ва ўзаро таққосланди.

Муаллифнинг фикрича, корпоратив ишлаб чиқаришни жорий этишнинг асосий тамойилларини ҳисобга олмай, саноат корхонаси фаолиятини самарали ташкил қилиш мумкин эмас. Шу билан бирга корпоратив ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади ҳам инвесторлар, ҳам акциядорлар томонидан қўйилган капитал маблағлар самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Диссертациянинг «Саноат ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув самарадорлиги таҳлили» деб номланувчи иккинчи бобида қишлоқ хўжалик машинасозлик саноатини бошқариш тизимини ислоҳ этиш тенденциялари, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш тармоғида инвестиция таъминоти ҳамда корпоратив бошқарувнинг қишлоқ хўжалиги машинасозлик саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсирини баҳолаш масалалари асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 июлдаги ВМҚ-430–сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзавтосаноат» АЖ ва «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖнинг хўжалик жамиятлари устав капиталидаги «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖнинг улушларини (акцияларини) агентликка бериш, кейинчалик агентлик томонидан «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ устав капиталидаги давлат улушларини (акцияларини) уч йил муддатга «Ўзавтосаноат» АЖнинг ишончли бошқарувига бериш таклифига розилик берилди.

Олиб борилган таҳлилларга кўра, бугунги кунда «ТҚХТЗ» АЖнинг серияли ишлаб чиқариш маҳсулотларига асосан ички бозорда талаб юқори бўлиб, унинг ҳиссасига республика бозорининг 80 фоиздан ортиғи тўғри келади. Лекин бозорнинг мазкур сегменти қулай, кенг, харид қобилияти юқори сифатли техникаларга эҳтиёж юқори. Умуман, мазкур жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам ички ва ҳам ташқи бозорда рақобатбардош ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятининг сўнгги йиллардаги асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, молиявий кўрсаткичлар бўйича ижобий ҳолатлар кузатилмаган. Масалан, 2015-2019 йиллар оралиғида даромад солиғини тўлагунга қадар фойда ҳажми мос равишда 2369,176 млн. сўмдан 425,9 млн. сўмгача 5,5 мартага камайиб кетган. Лекин бу давр оралиғида асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳажми мос равишда 3584,6 млн сўмдан 22785,2 млн сўмга, ёки бўлмаса 6,35 мартага, маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда миқдори эса 1386,7 млн сўмдан 88621,4 млн. сўмга ёки деярли 64 мартага ошганлигини кузатиш мумкин.

2016-2020 йилларда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси таҳлили⁷

(млн.сўм.)

Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Йиллар					2020 й.да 2019 й.га нисбатан, % да
		2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	
Ишлаб чиқариш ҳажми	млн. сўм	67135,3	310757,7	1017691,1	682744,6	859 277,0	125,9
Асосий ишлаб чиқариш фондлар қиймати	млн. сўм	120391,3	144486,5	292268,5	324053,0	359374,7	110,9
Айланма фондлар қиймати	млн. сўм	107274,2	333203,1	544153,6	1127764,5	2336728,2	207,2
Ишлаётганлар сони	киши	658	658	828	852	850	99,7
Иш ҳақи фонди меҳнат унумдорлиги	млн. сўм	7234,0	16015,4	21805,8	22612,4	45251,3	200
Таннарх	млн. сўм	50885,3	292002,6	970769,7	314074,5	737794,8	235
Даромад солиғини тўлагунга қадар фойда	млн. сўм	-	1021,1	346,5	425,9	-4032,8	-946,9
Рентабеллик	%	-	0,33	0,04	0,07	-0,46	-752,1

Шунингдек, фоизлар шаклидаги даромадлар мос равишда 149,4 млн. сўмдан 296,0 млн. сўмгача ёки 1,98 мартага, валюта курси фарқидан даромадлар 147,2 млн.сўмдан 195431,7 млн. сўмгача ёки 132,7 мартабагача ошган.

2020 йилга келиб эса фойда сезиларли даражада тушиб кетганлиги, ҳатто манфий натижани берганлиги, -4032,8 млн. сўм зарарда чиққанлигини кўриш мумкин.

2-жадвалда кузатиш мумкинки, 2019 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 682744,6 млн. сўмга тенг бўлиб, 2020 йилда бу кўрсаткич 859 277,0 млн. сўм. сум, ёки 125,9 %ни ташкил этган. Агар шу даврда асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати мос равишда 110,9 %, айланма фондлар қиймати – 207,2 %, жамиятда бандлар сони эса 852 нафардан 850 нафаргача ёки 2 кишига камайса, иш ҳақи фонди ҳажми мос равишда 2 марта ошади. Маҳсулот таннархи ҳажми ўтган йилга нисбатан 235 фоизга ошганини кузатиш мумкин. Бу маълумотлар бўйича хулоса чиқарилса, жамиятда ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетганлиги салбий ҳолатдир. Муаллифнинг фикрича, бу борада ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг сифатини ошириш

⁷ "Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

борасида аниқ чора-тадбирлар асосида тизимли ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Кўпгина хорижий тадқиқотчиларнинг фикрича, меҳнат унумдорлигининг ортиши бевосита ходимларга тўланадиган иш ҳақига боғлиқ бўлиб, оқилона иш ҳақи тўланиши, ўз навбатида, ҳар бир корхона яқуний фаолиятига ижобий таъсир этиши мумкин. 2016-2020 йилларда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ ходимлари ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатини 3-жадвалда кўриш мумкин.

3-жадвал

2016-2020 йиллардаги «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ ходимларининг ўртача иш ҳақининг ошиш суръати таҳлили⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар						2020 й.да 2019 й.га нис-н, %да
	Ўлч.бир.	2016	2017	2018	2019	2020	
Маъмурий-бошқарув ходимлари	млн. сўм	1 026,5	2 272,6	3 094,2	3 208,7	4 931,7	153,7
Бошқарув мутахассислари	млн. сўм	1 231,9	2 727,4	3 713,5	3 850,9	6 062,7	157,4
Техник ходимлар	млн. сўм	241,6	534,9	728,3	755,2	1 838	243,4
Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ходимлари	млн. сўм	1 094,5	2 423,1	3 299,2	3 421,2	5 364,9	156,8
Ишлаб чиқариш ходимлари	млн. сўм	2 898,7	6 417,4	8 737,6	9 060,8	22632,3	249,8
Хизматчи ходимлар	млн. сўм	740,7	1 639,9	2 232,9	2 315,5	4421,7	191
Жами:	млн. сўм	7 234,0	16015,4	21805,8	22612,4	45251,3	200

Келтирилган жадвалга кўра, 2019 йилда маъмурий-бошқарув ходимларининг ўртача иш ҳақи 3 208,7 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб, 4 931,7 млн. сўмни ёки бўлмаса, ўтган йилга нисбатан 153,7 фоизни ташкил этган. Яъни 1,5 мартага ошган холос. Бошқа турдаги ходимларнинг ўртача иш ҳақи ҳам 1,5-2 мартага ва шунга мос ҳолда жами ходимлар ўртача иш ҳақининг ўртача ўсиш суръатлари 2 баробарга ошган.

Корпоратив ишлаб чиқариш шароитида мотивация жараёнларини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Чунки корпоратив бошқарув негизида ҳам мотивация туради. Шу сабабли корпоратив ишлаб чиқаришда фаолият юритаётган ходимлар меҳнатини самарали ташкил этиш, уларни рағбатлантириш, иш шароитини яхшилаш долзарб вазифадир.

Маълумки, меҳнат бозори назариясида ишчи кучига талаб ва таклиф баланси таъминланса, шундагина ишчи кучига муносабат кучайиб боради. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиб ўтиш лозимки, ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи кучидан фойдаланиш коэффициентини ошириш кесимида меҳнат бозорида ишчи кучи қиймати ишлаб чиқаришдаги қийматидан баландроқ бўлса, шундагина мотивация кучаяди, ишчи кучининг корхоналарда қўнимсизлиги пасаяди.

Давлат иштирокидаги корхоналар ижро органи аъзоларини рағбатлантириш мақсадида ижро органи аъзоларига қўшимча тўлов турлари бекор қилинган ҳолда ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловларини тўлаш лозим.

Кузатишлар кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда давлат иштирокидаги корхоналар, шу жумладан акциядорлик жамиятларида, ижроия органи раҳбари ва аъзоларига нисбатан бир қатор асоссиз ҳар бир қўшимча тўлов турлари белгиланган. Бунда корхоналарда ижроия органи аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона рағбатлантириш сиёсати мавжуд эмас. Оқибатда, айрим корхоналарда ижроия органи аъзоларига тўланадиган иш ҳақи бир хил бўлса-да, лекин уларнинг иш ҳажми ҳар хил ёки аксинча, уларга тўланадиган иш ҳақи турлича бўлса-да, улар бажарадиган иш ҳажми бир хил бўлган. Корпоратив бошқарувнинг илғор амалиётига мувофиқ корхонанинг ижроия органи аъзоларига ҳақ тўлаш алоҳида мукофотлаш сиёсатига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Тадқиқотда корхона томонидан ижроия органлар ва бошқа асосий раҳбар ходимларга бериладиган мукофотлаш даражаси уларнинг самарали фаолияти учун етарли мотивация яратиши, корхонага малакали мутахассисларни жалб этиш ва сақлаб қолиш имконини бериши тавсия этилади. Шу билан бирга, корхона иш ҳақининг зарур бўлганидан юқори даражадан, шунингдек, ушбу шахслар ва корхона ходимларининг иш ҳақи даражалари ўртасидаги асоссиз катта тафовутдан қочиши керак.

ИХТТ нинг давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув бўйича тамойиллари тавсиясига кўра давлат корхонасининг фаол мулкдори сифатида шундай директорлар кенгашини мукофотлаш тизимини жорий этиш керакки, у компаниянинг узоқ муддатли манфаатлари ва компанияга малакали мутахассисларни жалб этиши ва рағбатлантиришга хизмат қилиши керак.

Бунда, хорижий тажриба кўрсатадики, агар рағбатлантириш даражаси давлат корхонасига зарур билим ва тажрибага эга мутахассисларни жалб этиш ва сақлашга имкон бермаса, корхоналарнинг директорлар кенгаши ва ижроия органи раҳбарларининг профессионаллиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган ҳаракатлар муваффақиятли бўлмайди.

Акциядорлик жамиятининг мукофотлаш сиёсати жамиятнинг ижроия органларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилашнинг шаффоф

⁸ «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

механизмларини ўз ичига олиши, шунингдек, бу шахсларга бериладиган туловларнинг барча турлари, имтиёз ва қулайликларни тартибга солиши лозим.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, инвестицион ва хўжалик юритиш амалиёти кўрсатадики, аввало устуворликларни жалб этишда йўналиш ва соҳаларга асосланган инвестицион дастурлар ва инвестицияларнинг абсолют ҳажми ва уларни қоплаш манбаларини кўрсатиш лозим.

Тадқиқотда таъкидланишича, корпоратив бошқарув жорий этилган саноат корхоналарида асосий инвестицион устуворликлар сифатида қуйидаги йўналишларни белгилаш мумкин: ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти самарадорлигини оширувчи инвестициялар; ишлаб чиқаришни кенгайтирувчи инвестициялар; давлат бошқарув органларининг талабларини қондирувчи инвестициялар; саноат корхоналарида экологик нормалар, хавфсизлик стандартлари ва маҳсулот сифатини таъминлашга қаратилган инвестициялар; саноат ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш мақсадидаги инвестициялар.

Корпоратив ишлаб чиқариш жамият корхоналарининг асосий пойдевори бўлганлиги сабабли, жалб этилаётган инвестицияларни қайси турига алоҳида эътибор бериш зарурлигини асослаш лозим. Чунки корхоналарга йўналтириладиган инвестициялар уларнинг мулкчилигидан қатъий назар маълум муддатда қайтарилиши керак. Муаллифнинг фикрича, корхона ва аҳоли маблағларидан фойдаланишни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Шундагина корхона жамоасининг манфаатдорлиги ошади ва унинг салоҳияти кучайиб боради. Бу корхона ва аҳоли маблағларидан фойдаланишни кучайтиришнинг бир томони бўлса, иккинчи томонида корхона акцияларига эгаллик ортиб боради. Бунда дивидентнинг асосий қисми корхона жамоасида қолади. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида инвестиция фаолиятини ривожлантириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотда мамлакатда саноат маҳсулотлари етиштириш тенденцияси, корпоратив бошқарувни жорий этиш ҳамда иқтисодий цикллар таъсирини ўрганиш мақсадида 2000 йилдан кейинги давр 4 босқичга ажратилган ҳолда ўрганилди. Корпоратив бошқарувни кенг жорий қилиш бўйича амалий ишлар натижаларини аниқ рақамлар асосида ўрганиш мақсадида асосий қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш миқдори ўзгариш тенденциялари тақлиф қилинган босқичлар кесимида статистик таҳлиллар амалга оширилган (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг ривожланиш босқичлари бўйича статистик таҳлил кўрсаткичлари¹⁰

Кўрсаткичлар	1-босқич 2000-2003 йй. (корпоратив бошқарувни жорий этишгача бўлган давр)	2-босқич 2004-2008 йй. (корпоратив бошқарувнинг жорий этилиши)	3- босқич 2009- 2016 йй. (жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан кейинги давр)	4- босқич 2016й.дан ҳозирги давргача
Трактор ишлаб чиқариш (дона)				
Ўртача йиллик сони	2525	2800	2084	2227
Максимал ишлаб чиқариш сони	3200	3000	3000	3477
Минимал ишлаб чиқариш сони	1000	2500	720	1182
Вариацион кенглиги	2200	500	2280	2295
Трактор сеялқалари ишлаб чиқариш (дона)				
Ўртача йиллик сони	325	940	773	1344
Максимал ишлаб чиқариш сони	400	1800	1410	1747
Минимал ишлаб чиқариш сони	100	400	185	1026
Вариацион кенглиги	300	1400	1225	721
Трактор культиваторлари ишлаб чиқариш (дона)				
Ўртача йиллик сони	950	1580	937.5	1481
Максимал ишлаб чиқариш сони	1200	1800	2200	2043
Минимал ишлаб чиқариш сони	800	1300	200	1200
Вариацион кенглиги	400	500	2000	843

Юқорида келтирилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда хулоса чиқарилса, корпоратив бошқарувнинг жорий қилиниши саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш миқдори ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлаш билан корпоратив бошқарувни жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар орасида боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланди. Яъни айнан корпоратив бошқарувни жорий қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган 2- ва 4-даврларда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги ҳамда юқори ўсиш суръатлари таъминланганлиги аниқланди.

Муаллифнинг фикрича, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғидаги корпоратив ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион фаолликни

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

жонлаштириш ва унинг самардорлигини ошириш мақсадида куйидаги масалаларни ҳал этиш зарур:

ишлаб чиқаришга замонавий айниқса янги инновацион ғояларга асосланган техника ва технологияларни жорий этиш;

жаҳон ва ички бозорда рақобатга чидамли ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқишни йўлга қўйиш;

ишлаб чиқаришда диверсификацион кластерлаш, логистика сиёсатини амалга ошириш ва уларни корхона фаолиятига жорий этиш;

ишлаб чиқаришда меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишнинг самарали шаклларида фойдаланиш;

корхоналарда жаҳон стандартларига (айниқса ISO стандартлари) мос келувчи маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва халқаро интеграцияни кучайтириш;

транзакцион харажатлар, божхона тўловлари, солиқ тизимларини ривожлантириш, уларнинг самарали йўлларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириб бориш;

саноат корхоналарида кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзолар сони 30 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш лозим.

Бу шундай асосланадики, жаҳонда корпоратив бошқарувнинг илғор амалиёти ҳамда халқаро стандартлари директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибида мустақил директорларнинг етарли даражада бўлиши таъкидланади. Хусусан, G20/ИХТТнинг Корпоратив бошқарув тамойилларининг (G20/OECD Corporate Governance Principles, 2015) VI.E1-бандига мувофиқ, кенгашлар, эҳтимол юзага келувчи манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса, вазифаларга нисбатан мустақил ҳукми намоён этишга етарли миқдордаги ноижрочи кенгаш аъзоларини тайинлаш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 76-моддасида кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги белгиланган. Бироқ бир нафар мустақил аъзо кузатув кенгаши таркиби учун етарли ҳисобланмайди. Шунинг учун акциядорлик жамиятларида уларнинг сонини ошириб бориш миллий корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандартлар талабларига яқинлаштиради ҳамда потенциал инвесторларнинг жамиятга нисбатан ишончи ортади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори билан тасдиқланган «2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси» да давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибида мустақил аъзолар улуши босқичма-босқич 30 фоизга етказилиши, давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибидаги мустақил аъзолар сонини 2025 йилга қадар 30 фоизгача ошириш белгиланган.

Корпоратив бошқарувнинг энг илғор хорижий амалиётига мувофиқ, акциядорлик жамиятининг самарали корпоратив бошқарув тузилмасини таъминлаш учун мустақил аъзоларни кузатув кенгаши умумий сонининг

камида 1/3 қисми миқдорда жалб этиш тавсия этилади. Хусусан, листинг компаниялари директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибининг 1/3 қисми мустақил директорлардан ташкил топиши кераклиги талаби кўпгина бошқа мамлакатларнинг амалиётида кенг қўлланилади. Масалан, БАА, Туркия, Испания, Сингапур, Россия, Қозоғистон, Ҳиндистон, Франция, Хитой каби мамлакатларнинг қонунчилиги ёки корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ, листинг компанияси директорлар кенгаши таркибининг 1/3 қисми мустақил директорлардан таркиб топиши кераклиги белгиланган.

